Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 10 FEVRAL, SESHANBA, 18 (7479) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

МАҲСУЛОТЛАР ҮЙДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб қувватланаётгани боис, мазкур соҳа вакилларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улуши тобора ортиб бормоқда. Охунбобоев туманидаги Иброҳимжон Султонов раҳбарлик қилаётган "Исмоилжон гиламлари" хусусий ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган адрас, бахмал ва гиламлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ерда хизмат қилаётган юз нафар ишчининг ўттизтаси касаначилик асосида фаолият кўрсатади. Айни кунларда корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш мақсадида модернизация ишлари олиб борилмоқда.

Фарғона вилояти

Муқимжон КОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

СУРАТДА: *тўқувчи Матлубахон ИСМАТУЛЛАЕВА.*

Аждодларимиздан мерос сабр-қаноат, шукроналик халқимизга хос ноёб фазилатлардан. Зеро, кўнглида шукронаси бор халқ унинг мукофотига албатта мушарраф бўлади. Бу юрт, бу халқдан қут-барака аримайди, ризқи зиёда, толеи баланд бўлаверади. Аллоҳнинг баракаси ёғилган юртимиздаги тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик, сероблик, бозорларимиз, дастурхонларимизнинг доимо файзли ва тўкинлиги бунинг тасдиғидир.

КЎНГЛИДА ШУКРОНАСИ БОР ХАЛҚНИНГ НАСИБАСИ БУТУН БЎЛАДИ

Сендан ҳаракат, мендан баракат дейилганидек, фаровонлик ўз-ўзидан келмайди, албатта. Унинг замирида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, заҳматли меҳнати, азму шижоати мужассамдир.

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашда кенг кўламли тизимли бозор ислоҳотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналарни барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш каби ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўтган даврда барча ишларимизда инсон манфаатлари устуворлиги биринчи ўринда турганлигига, барча режаларимиз, мавжуд захира ва имкониятларимиз пировард натижада ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилганлигига амин бўламиз.

Маълумки, ҳозир жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган глобал молиявий инқироз манаман деган бақувват мамлакатлар иқтисодиётини ҳам таҳликага солиб қўймоқда. Дунёдаги кўплаб нуфузли банклар, молия муассасалари, йирик саноат корхоналари жиддий зарар кўрмоқда, баъзилари банкротлик ҳолатига келиб қолди. Оқибатда, миллионлаб кишилар иш жойидан, даромад манбаидан маҳрум бўлмоқда. Мисол учун, АҚШ меҳнат бозори улкан депрессия ёқасига келиб қолди. Биргина жорий йилнинг январь ойида бу мамлакатда 600 минг киши иш жойини йўқотди. Бу сўнгги 34 йил ичидаги энг юқори кўрсаткичдир. Ҳозир АҚШда меҳнатга яроқли аҳолининг 7,6 фоизи ишсиз.

Глобал молиявий инқироз минтақамиз мамлакатларида ҳам жиддий хавотирга сабаб бўлаётир. Хорижий оммавий ахборот воситаларида ёзилишича, қўшни мамлакатлардан бирида нарх-наво, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси сезиларли даражада кўтарилган. Жумладан, савдо дўконларидаги товарларнинг нархи ўртача 20-30 фоиз ошган. Бу ўз-ўзидан аҳолининг турмуш фаровонлигига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Бошқа бир мамлакатда эса, ижтимоий-иқтисодий аҳвол янада ёмонлашиб бораётир. Ҳукумат аҳолининг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қонқиқартирилди. Шу мисолнинг ўзиёқ умумий манзарани тасаввур этиш учун кифоя қилади.

Шукрки, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида узоқни кўзлаб, халқ манфаати, юрт истиқболи йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар натижасида мамлакатимиз инқирозининг салбий оқибатлари таъсиридан зарур даражада ҳимояланган. Энг муҳими, халқимизнинг турмуш фаровонлигига зарар етишининг олди олинмоқда.

Буни жаҳондаги, қўшни мамлакатлардаги вазият билан юртимиздаги аҳволни таққослаш орқали ҳам кўриб-билиб турибмиз. Инчунун, чет эл оммавий ахборот воситалари яқинда тарқатган хабарларда Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи арзонлашиб бораётгани таъкидланган. Жумладан, гуруч, гўшт ва туҳумнинг нархи 2008 йилдагига нисбатан ўртача 20-30 фоиз тушган. Қиш мавсуми бўлишига қарамасдан помидор, бодринг ва бошқа сабзавот ҳамда меваларнинг нархи ҳам ҳамёнбоп. Илгари совуқ тушиши билан картошканинг баҳоси кескин ошар эди. Ҳозир эса аксинча – жорий мавсумда 10 фоизга арзонлашди.

Бу биз учун одатий ҳол. Сабаби, қайд этганимиздек, мўл-кўлчилик, нархларнинг барқарорлигини, сўнгги пайтда сезиларли даражада пасайганини ҳар биримиз ўз турмушимизда яққол ҳис этяпмиз.

Умуман, юртимизда асосий истеъмол маҳсулотларининг ўртача чакана нархи бошқа давлатлар билан солиштирганда доим энг паст кўрсаткични ташкил этиб келган.

Шу маънода истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, ғалла мустақиллигига эришиш, аҳолининг ун ва нон маҳсулотлари, бошқа ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган ва муваффақиятли ҳал этилганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон буғдой, ун, мева-сабзавот, қуруқ мевалар, узум, полиз маҳсулотлари каби ўта зарур озиқ-овқат товарлари билан нафақат ўз ички эҳтиёжларини тўлиқ таъминламоқда, балки уларни экспорт ҳам қилмоқда. Аҳолининг нон, гўшт ва сут маҳсулотлари, гуруч, картошка, сабзи, пиёзга бўлган талаби ўзимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобидан тўлиқ қопланмоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилаётгани ва янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилаётгани ички истеъмол бозорининг узлуксиз тўлдирилишига хизмат қилаётир. Жумладан, 2008 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда 112 озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона ишга тушган. Озиқ-овқат саноатида товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 129,9 фоизни ташкил этган.

(Давоми 2-саҳифада)

Кунниг муҳим воқеалари

○ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

○ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари, олимлар, мутахассислар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгаши аъзолари иштирок этди.

○ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Навоийнинг тафаккур гулшанидан" деб номланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

○ Пойтахтимиздаги марказий офицерлар уйида Республика маънавият тарғибот маркази, Мудофаа вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида Алишер Навоийнинг 568 йиллик таваллудига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

○ Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида "Алишер Навоий – маънавиятимиз қуёши" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда навоийшунос олимлар, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

○ Жиззах санъат коллежида вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази ташаббуси билан ўтказилган «Шеърият мулкининг султони» деб номланган адабий-бадиий кечада улуғ шоирнинг ибратли фаолияти ва серқирра ижоди тўғрисида сўз борди. Шоир ғазаллари асосидаги қўшиқлар ижро этилди, коллеж ўқувчилари томонидан «Фарҳод ва Ширин» достонидан саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

○ "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида Шайхонтоҳур туманидаги мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунларни биласизми?" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

○ Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида ёш мусаввир Дилором Мамедова асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Мазкур бадиий кўргазмада рассомнинг юздан ортиқ ана шундай асари намойиш этилмоқда. «Анор», «Қуёшли ҳовли», «Тонг», «Нурота», «Тоғдаги сой» каби картиналар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Президентимизнинг шу йил 6 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарори асосида Самарқанд вилоятида чақирув мавсуми қизғин давом этмоқда.

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Вилоят йиғин пунктида барча синовлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жиҳатдан соғлом чақирилувчиларнинг дастлабки гуруҳини муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, ҳарбийлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шарт-шароит, берилаётган имтиёзлар хусусида тўхталди. Давлатимиз раҳбарининг Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонига биноан чақирувнинг бир йилда бир марта амалга оширилиши ҳар томонлама қулайлик туғдираётгани қайд этилди.

— Кўпчилик тенгдошларим орасида менга шундай шарафли иш насиб этганидан хурсандман, — дейди оқдарёлик Хуршид Шоназаров. — Хизмат давомида давлатимиз олдидаги фуқаролик бурчимни бажариб, ота-онам ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Келгусида ҳарбий бўлиш ниятим бор.

Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Самарқанд вилояти

ТАКЛИФ

"Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ҳамда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ҳамкорликда 2009 йил — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишлаб "Қўшни қўшнига" меҳр-мурувват кунлари доирасида "Энг мурувватли қўшни" республика кўрик-танловини ташкил этди.

"ҚЎШНИ ҚЎШНИГА" кўрик-танлови

Танловдан кўзланган мақсад, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да ҳам ушбу ҳайрли ишлар кенг миқёсда давом эттирилади. Қишлоқ ҳудудларини обод этиш, аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлар, фермерларнинг ҳиссаси катта бўлиши табиий. Танлов ана шундай ишларни рағбатлантиришни мақсад қилган.

Куни кеча танловнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, ушбу тадбир халқимизнинг азалий қадриятлари — меҳр-оқибат, аҳиллик, муҳтожларга ғамхўрлик ҳамда қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Икки босқичда ўтказиладиган танлов ғолиблари Наврўз ва Ийд Рамазон байрамлари нишонланадиган кунларда аниқланади.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ

ТИНЧЛИКнинг ТИНЧ-ОСУДА КУНЛАРИ

Қишлоқнинг одамлари, файзу тароватн бўлакча бўлади. Дастурхонимиз тўкинлиги, турмушимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан қишлоқда яшаб, меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Қишлоқда тонг отиши ҳам ўзгача манзара касб этади. Эрта тонгда кимдир тракторини тариллатиб далага отланса, кимдир кетмон кўтариб, эгатларга сув тараб юрган бўлади. Поданинг яйловга кетишини томоша қилиб турган чоллар "ҳой, Фалончибой, эшитдингизми?" дея бир-бирларини сўнгги янгиликлардан хабардор қилаётган бўладилар. Қишлоқда тўй эгаси таклифнома тарқатиб ўтирмайди. Хабарчи "фалончиникига ошга" деб отда бир бакириб ўтса кифоя: вақт топган хурсандчиликка шерик бўлади. Бошга ташвиш тушганда эса ҳамқишлоқлар елкадош бўлиб туришади.

Қишлоқ одами ўз ишига пухта, тадбиркор бўлади — ҳар куни бозорга, дўконга чопмайди, қишлигини вақтида жамлаб қўяди. Меҳмон кутишга ҳар вақт тайёр туради.

Бугун қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди – пана-пастқам уйлар, тор кўчалар ўрнини замонавий биноларр, равон йўллар эгаллади. Янги мактаб, коллеж, врачлик пунктлари, гузарлар барпо этилмоқда. Қишлоқ йигит-қизлари ўз билими, иқтидори билан дунёни лол қилмоқда.

Тинчлик — Боёвут туманидаги қишлоқлардан. Қўқон яқинидаги Қарапчи, Қўшқанд, Найман, Қашқадарёнинг Хитой қишлоғидан ўтган асрнинг 50-йилларида чўлни ўзлаштириш мақсадида келганлар бу ерларни макон тутиб, обод этишган.

— Қишлоғимизда 1576 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Тинчлик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турдибек Маллаев. — Мактаб, қишлоқ врачлик пункти, муқобил машина-трактор парки, клуб, 6 та тегирмон, 7 та савдо дўкони фаолият кўрсатяпти. Барча ишлар обрўли, тажрибали кишилардан сайланган 15 нафар маслаҳатчи билан бамаслаҳат амалга оширилади. Йиғин қошидаги тўй маросимларини ўтказиш комиссияси ташаббуси билан ортиқча сарф-харажатларни қисқартиришга эришдик. Ҳамқишлоқлар билан келишиб, тўйни фақат бир кун кундузи тушлик пайтида ўтказишга қарор қилдик.

Фермерларнинг саховати туфайли қишлоқдаги 20 та кам таъминланган оила соғин сигирли бўлди. Чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис қишлоқ аҳли ўз эҳтиёжидан ортган сут маҳсулотларини Боёвут ва Гулистон шаҳри бозорларига чиқармоқда.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар дастурини тузиб чиққанмиз, — дейди Турдибек Маллаев. — Ўтган йили ҳудудимизда 26 та уй қурилиб битказилган эди. Ана шу уйларга электр тармоғи тортиш ҳақидаги таклифларимизни тегишли муассасаларга тақдим этдик. Бундан ташқари, маиший хизмат шохобчаларини кўпайтириб, янги гузар қурмоқчимиз.

ТУЛПОРИ УЧҚУР, ЧАВАНДОЗИ МОҲИР

Тинчлик қишлоғи моҳир чавандозу полвонлари билан ҳам машҳур. Бу ерлик чавандозлар кўпкарларда орият учун майдонга тушишади. Ҳазрат Полвонов, Шомурод Полвонов, Эрбўта Маликов, Нориммат Тожиев, Хонтўра Андақулов, Меҳлибой чавандозларнинг довруғи бутун республикага кетган. Бугунги кунда уларнинг ишини Саттор полвон, Мурод полвон, Норқўзи полвон, Курбон полвон Маматов, Гайрат полвон сингари чавандозлар давом эттирмоқда. Ҳозир қишлоқ чавандозлари томонидан 76 бош зотдор тулпор боқилиб, ёшларга от билан қандай тиллашиш керакли ўргатиб бориляпти. Чунки от спорти ёшларни чапдастликка, довюраклиққа, мардликка ўргатади.

(Давоми 2-саҳифада)

ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллиги кенг нишонланмоқда

Халқимизнинг буюк аждодлари, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган алломалари хотирасига эҳтиром кўрсатиш ва улуғлаш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, навоийхонлик кечалари, учрашувлар, кўргазмалар бунинг ёрқин далилидир.

(Давоми 4-саҳифада)

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоққўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

КЎНГЛИДА ШУКРОНАСИ БОР ХАЛҚНИНГ НАСИБАСИ БУТУН БЎЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Аҳоли фаровонлигини янада ошириш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маданий-маърифий соҳаларни ривожлантириш, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги бетимсол ўзгаришларни таъминлашнинг моддий негизи кўп жиҳатдан мамлакатимиз иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи аграр соҳа ривожи билан боғлиқдир.

Бу борада ернинг фермерларга топширилиши, фермерликни ривожлантиришга давлатимиз раҳбари томонидан қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўз самараларини бермоқда.

2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўсиши 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 4,1 фоизни ташкил этгани, полиз экинлари, картошка, сабзавот, мева, гўшт, сут, тухум етиштириш ҳажми ошгани ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

Бозорларимиз қанчалик тўкин бўлмасин, даромадга яраша харажат қилишимиз табиий. Шу маънода, Президентимиз томонидан аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ошириб боришга, ижтимоий мададни янада кучайтиришга мунтазам эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада аҳолининг реал пул даромадлари йилдан-йилга кўпаймоқда. 2008 йилда бюджет соҳаси ходимларининг ўртача иш ҳақи 51 фоиз ортди. Бу эл-юртимизнинг фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилаётир.

Аҳолининг иш билан бандлиги унинг даромади кафолатидир. Мамлакатимиз меҳнат бозорида олиб борилаётган фаол сиёсат натижасида аҳолининг бандлик даражаси ўсиб бораётир. 2008 йилда юртимизда 660 минг янги иш ўрни ташкил этилди. Жойларда ишбилармонлик ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар ва сервис, касаначилик соҳаларини ривожлантириш эвазига очилган ана шу иш ўринларининг катта қисмини ёшлар банд этгани қувонарлидир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини янада ошириш, уларнинг турини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг бу борадаги талабини тўлароқ қондириш, турмуш даражасини юксалтириш мақсадида Президентимиз томонидан қабул қилинган озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирларига оид фармон бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммо тобора ўткир бўлиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, бу ҳужжатнинг аҳамияти ва моҳияти янада ошади. Мазкур Фармонда бошоқли дон экинлари экиладиган ерларни янада кенгайтириш, шунингдек, сабзавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озиқ-овқат экинлари етиштириладиган майдонларни кўпайтириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирларига оид фармони, 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши ҳам ризқимизга ризқ қўшади, серобчилик, арзончиликка хизмат қилади.

Ҳа, кўнглида бугунги дорилоомон кунларга шукрона келтириб, эртанги кунга қатъий ишонч билан янги юксак марралар сари одимлаётган халқимизнинг насибаси ҳамиша бутун, дастурхони янада тўкин бўлаверади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Оролбўйи янгиликлари

Биоусул кони фойда

Элликқалъа тумани Гулдурсин овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Биосервис" лабораторияси ўз фаолияти билан деҳқонлар ишончини тўла қозонган. Боиси кичик жамоа аъзолари ҳар йили ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда қатта ҳажмдаги ишларни адо этишиб, қишлоқ хўжалиги ходимларига кўмакдош бўлишаяпти.

– Жорий йилда жами 34 фермер хўжаликлари билан шартнома имзолаганмиз, – дейди лаборатория мудири П.Қулиев. – Биз 900 гектар майдондаги ғўза ва 500 гектардаги кузги буғдойзорларда ўсимликларни ҳимоя қилиш, табиатни ифлослантирмаган ҳолда иш олиб бориш учун тайёрмиз. Айни пайтда 10 килограмм трихограмма, 2,5 минг дона олтинкўз, 10 миллион бракон тайёрлаш мақсадида жадал юмушлар олиб борилаётир. Бундай масъулиятли ишларни бекаму кўст бажариш йўлида 6 нафар ходимимиз астойдил меҳнат қилмоқда.

Мавсумга тайёргарлик қизғин

Мураккаб табиий шароитда деҳқончилик қилаётган Амударё тумани деҳқонлари ҳар йили пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар.

— Туманимизда аҳоли томорқаларини ҳисобламаганда 40 минг гектар ерга экин экилади, — дейди "Манғит-Назархон" ирригация тармоқлари бошқармаси бошлиғи Исмоил Тўраев. — Ерлар шўрланган. Шу боис экиш олдидан 3, ҳатто, баъзи майдонлар шўрини 4-5 мартадан ювишга тўғри келади. Амалдаги йил қиш фасли нисбатан қулай келганлиги сабабли ирригаторларимиз суғориш тармоқларини тозалаш, зарур қурилма, тўсқичларни ўрнатиш ишларини сифатли тамомлашди. 50 километр узунликдаги магистрал ҳамда 270 километрлик хўжаликлараро каналлар сувининг бир маромда равон оқизилиши учун тозаланди. Бу ишларни муддатидан анча олдин кўнгилдагидек бажаришда 12 та экскаватор қатнашди. Ишнинг юқори унумда олиб борилиши учун механизаторларга қулай шароитлар яратилди. Шунингдек, 7 та гидрокурилма, 26 та оддий қурилмалар жойлаштирилди. Хўжаликлараро каналларда 51 та, ички сув тармоқларида 125 та сув тўсқичлари ўрнатилди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

ПОРТЛАМАЙ ҚОЛГАН ИККИТА ЧЕЛАК

Ингушетия федерал хавфсизлик хизмати ходимлари йирик террористик хуружни бартараф этишга эришдилар.

Ингушетия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан олинган хабарга кўра, махсус хизмат ходимлари оператив маълумотларни текшириш чоғида Малгобек шаҳридаги "Орстхо" ёнилғи қуйиш шохобчаси ёнида иккита қўлбола портловчи мосламани топишган. Қўлбола мосламалар амиак селитраси, алюмин кукуни ва темир-терсак аралашмаси тўлдирилган ҳамда электродетонатор ўрнатилган сиғими 12 литрлик иккита челакдан иборат эди.

Ҳар икки мослама хавфсизлантирилди.

СОКАДА ҲИБСГА ОЛИНДИ

Япония полицияси ўтган ҳафтада ўлдириб кетилган россиялик 23 ёшли Анастасия Корпачёванинг қотили, деб гумон қилинаётган шахсни Токио яқинида жойлашган Сока шаҳарида ҳибсга олди.

Қотил аслида покистонлик бўлиб, у 6 февраль куни кўчада А.Корпачёванинг йўлини тўсган. Иккови айтишиб қолгач, покистонлик пичоқ билан аёлнинг бўйин қисмига бир нечта жароҳат етказган ва қочиб кетган. Полиция ходимлари мамлакатнинг марказий ороли Хонсю ҳудудидаги Гумма тоғли вилоятида қотилнинг изига тушишга муваффақ бўлишган.

А.Корпачёва япон фуқароси билан оила қуриб, сўнгги бир неча йил давомида Японияда муқим яшаётган эди. Қотиллик содир бўлишидан олдинроқ у эри билан маҳаллий полицияга мурожаат этиб, ўзини таъқиб қилаётган покистонлик шахсга нисбатан чора кўрилишини сўраган экан.

ЯШИЛ ҚИТЪА ЖАНУБИ ОЛОВ ИСКАНЖАСИДА

Яшил қитъа — Австралиянинг жанубида кундан-кун авж олаётган ёнғин туфайли ҳалок бўлганлар сони 130 нафарга етди, яна 80 нафар киши турли даражада куйган. Ўнлаб одамлардан дом-дарак йўқ.

Полиция маҳкамаси маълумотларига асосланган баъзи нашрлар ёнғин қурбонлари сони камида яна 100 тага ортиши мумкинлигини таъкидламоқда. Бундан икки ҳафта бурун Виктория штатининг Мельбурн туманида бошланган ёнғинни тўхтатишнинг иложи бўлмаяпти. Ҳудудда ҳаво ҳарорати 47 даража иссиқлиги, устига-устак кучли шамол эсаётгани оловга қарши чора-тадбирларни чиппакка чиқармоқда. Аксига олиб, метеорологлар яқин кунлар штатда об-ҳаво жуда иссиқ бўлишини таъкидлашмоқда. Айни кунга қадар олов қарийб юзлаб гектар майдоннинг кулини кўкка совурди, 750 та уй-жой ёниб битди. Шунингдек, ёнғин оқибатида штатда электр узатувчи марказий тармоқ ишдан чиққач, 15 та шаҳар аҳолиси электр қувватисиз қолган. Виктория штатининг ўт ўчирувчилари, шунингдек, бошқа штатлардан кўмакка келган кўнгиллилар — жами ўн мингдан ортиқ киши куну тун ёнғинга қарши курашмоқда.

Ёнғин содир бўлишига айбдор шахсларни аниқлаш бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Янги Жанубий Уэльс штатида ҳозирча икки киши — 31 ёшли эркак ва 15 ёшли ўспирин ёнғин содир этиш орқали одамларнинг ўлимига сабаб бўлганликда айбланмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, бундай катта кўламдаги ёнғин Австралия тарихида биринчи марта юз бериши экан. Мамлакат бош вазири Кевин Радд уни "миллат бошига тушган даҳшатли фожиа", деб атади. Шунингдек, бош вазирнинг фикрича ёнғин етказган талофатларни бартараф этиш, айниқса, жаҳон молиявий инқирози юз берган ҳозирги мураккаб шароитда осон кечмайди.

ФАЛАСТИНЛИКЛАР ГЎШТ ЕМАЙДИМИ?

Жониворларни ҳимоя қилиш ташкилоти (PETA) Исроил ва Фаластин автономияси чегарасидаги ҳимоя деворида вегетарианлик (гўшт ва гўшт маҳсулотлари тановвул қилмаслик)ни тарғиб этувчи плакатларни жойлаштиришни режалаштирди. Ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқалари бўйича вакили Жастин Раймо Исроил ҳукуматига тегишли тарзда илтимоснома йўлланганини маълум қилди.

PETA томонидан тайёрланган плакатларда бир дастурхон атрофида жамланиб, гўштсиз пиширилган таомларни тамадди қилаётган исроиллик ва фаластинликлар тасвирланган. Шунингдек, плакатларда инглиз, араб ва иврит тилларида "Зўравонликка чек қўйишни ўз дастурхонингиздан бошланг! Вегетарианлар сафига қўшилинг!" қабилидаги ёзувлар ҳам битилган. Жониворлар ҳимоячилари бундай плакатларни ҳимоя деворининг ҳар икки томонига ҳам осиб қўйишмоқчи.

Исроил ҳукумати PETAнинг мурожаатига ҳали жавоб қайтарганича йўқ.

"News.ru" ва "Lenta.ru" маълумотлари асосида тайёрланди.

МАҚСАД – ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг февраль ойи давомида Адлия вазирлиги ташаббуси билан вазирлик ва унинг барча ҳудудий бошқармаларида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар" мавзусида тадбирлар ташкил этилмоқда.

Улардан навбатдагиси Тошкент шаҳридаги "Наврўз" нихоҳ уйида бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг матбуот учун масъуллари, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Даставвал, анжуманда 2008 йилда тарғибот йўналишида фаол иштирок этган ёш тарғиботчилар гуруҳи аъзоларига Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқлари топширилди ҳамда улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тавсия ва таклифлар берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳисобот даврида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 2 минг 110 та ариза ва шикоятлар кўриб чиқилди. Ушбу соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, тегишли ташкилот ва муассасаларга 675 та тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди.

Анжуман

Тадбирда таъкидланишича, тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида адлия органларининг саъй-ҳаракатлари билан 10 млрд. сўмдан ортиқ даъво аризалари қаноатлантирилган.

Шунингдек, қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг 59 нафарини маъмурий жавобгарликка тортиш ва 25 нафарини вазифасидан озод этиш юзасидан тегишли идораларга таклифлар киритилиб, маъмурий жазо чоралари кўрилган.

Анжуманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан адлия идораси томонидан олиб борилган ишлар бу борада бошқа идоралар билан ҳамкорлик, "Ишонч телефони" фаолияти ва кўрилган чоралар юзасидан журналистларга батафсил маълумотлар берилиб, мавжуд саволларга жавоблар қайтарилди.

Бундан ташқари, ҳуқуқий мавзуда ижод қиладиган журналистлар ҳамда адлия тизими ва унинг тизимига кирувчи муассасаларда ахборот хизмати учун масъул ходимларни соҳага ихтисослаштириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус ўқув курслари орқали қайта тайёрлаш тўғрисида келишиб олинди.

Орзугул РУСТАМОВА

«Les milieux des empires» Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини қайд этади

Франциядаги оммабоп электрон нашрлардан бири — «Les milieux des empires» ўз саҳифасида «Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги нуқтаи назари» сарлавҳали мақолани чоп этди.

Унда таъкидланганидек, «Табиий заҳиралардан, жумладан, сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш Марказий Осиё минтақасидаги ўта муҳим масалалардандир. Мазкур муаммога турлича ёндашув эса тараққиётга ғов бўлади ва можароли вазият, айрим ҳолларда эса, экологик фалокатга олиб келади».

Интернет-нашр Орол денгизи тақдирини мисол сифатида келтиради. Бинобарин, унинг қуриши нафақат Марказий Осиё, балки йирик субминтақа, ҳатто, бутун Евросиё мамлакатлари халқлари учун фожиали оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

— Минтақадаги Орол денгизига қуйиладиган дарёлар сувлари миқдорининг камайиб кетиши ҳавзадаги ҳаёт пойдеворига путур етказиб, суғориш мақсадлари учун фойдаланиладиган ва тоза ичимлик сувининг сурункали танқислигига сабаб бўлди. Денгизнинг қуриб қолган қисмида юзага келувчи туз ва қум бўронлари ҳосил ва ўсимликларни йўқ қилмоқда. Балиқчилик ва овчилик хўжалигига жиддий иқтисодий зарар етказилди. Шунингдек, яйловлар маҳсулдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайишига олиб келди, — дейилади мақолада.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеяси 48- ва 50-сессияларида сўзлаган маърузаларида «Орол инқирози – инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар ҳалокатлардан бири бўлиб, денгиз ҳавзасида яшовчи ўнлаб миллион инсонлар унинг таъсири остида қолмоқда» дея таъкидлаган эди. Шу ўринда мақолада қуйидагилар қайд этилади: «Минтақадаги барча сув ресурслари Сирдарё ва Амударё дарёлари ҳавзасига боғлиқ. Уларнинг трансчегаравий манбалари мавжуд ҳолатининг ўзгариши эса 50 миллиондан зиёд киши истиқомат қиладиган Марказий Осиё мамлакатлари янада кенгроқ қўламли экологик ҳалокатга, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини ичимлик ва суғоришда фойдаланиладиган сув билан таъминлаш муаммоларига, мутассил қурғоқчилик ва ундан келиб чиқувчи салбий оқибатларга дуч келиши мумкин.

Трансчегаравий дарё оқимларидан фойдаланиш, жумладан, гидроэнергетик иншоотлар қурилиши борасидаги қарорлар экология ва қўшни давлатлар манфаатларига ҳеч бир зиён етказмаслиги лозим. Таъкидлаш жоиз, гап қораб йиллар мобайнида ўз оқимидаги мамлакатлар ва уларда яшовчи халқларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондириб келган трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланиш тўғрисида бормоқда».

«Айнан шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йил августда Бишкек шаҳрида ўтган ШҲТ саммитида трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш зарурлигини қайд этган эди. Зеро бу БМТнинг 1991 йил 25 февралдаги Трансчегаравий ресурсларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш тўғрисидаги, 1992 йил 17 мартдаги трансчегаравий дарёлар ва ҳавзаларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ва 1997 йил 21 майдаги халқаро дарёлар оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқларига оид конвенцияларида тўғридан тўғри ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатлар «трансчегаравий сувлардан оқилона ва адолатли равишда фойдаланишни, уларнинг трансчегаравий таъсир ўтказаётган ёхуд ўтказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишдаги трансчегаравий жиҳатини алоҳида эътиборга олган ҳолда» кўриб чиқмоқликни тақозо этади. Зарар етказилган тақдирда уни бартараф этиш ёхуд оқибатларини қамайтириш борасида чора-тадбирлар қўлланилиши ва зарур бўлганда эса етказилган зиённи қоплаш масаласи ҳам илгари сурилиши даркор. БМТ қарорларида «дарё оқимида жойлашган давлат суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаат ва инсофлилик асосида ҳамкорлик қилиниши» акс этган. Ташкилот конвенцияларидаги ушбу асосий талабларга мувофиқ, гидротехник иншоотларнинг қурилиши бартараф этиб бўлмас экологик оқибатларга олиб келмаслигига ва трансчегаравий дарё ҳавзаларидаги барча давлатлар томонидан мазкур дарё оқимларидан фойдаланишга мувозанати бузилмаслиги борасида нуфузли халқаро экспертлар томонидан кафолат берилиши шарт», деб ёзади Франция интернет-нашри.

Мақола муаллифлари фикрича, «Трансчегаравий дарё ҳавзаларида барпо этиладиган янги гидротехника объектлари техникавий-иқтисодий асоси бетараф халқаро аудиторлик ташкилотларининг холис текширувидан ўтказилиши лозим. Бундай қатъий нуқтаи назарни Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ҳам қўллаб-қувватлаб келмоқда».

«Ушбу нуфузли халқаро молия тузилмалари тутган йўл бошқа ташкилот ва давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади ҳамда пировардида минтақада ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга имкон яратади. Бундай лойиҳаларда иштирок этиш ниятида бўлган сармоядор мамлакатлар ҳам ушбу талабларга риоя этиши зарурлигини ёдда тутмоқликлари лозим. Бу нуқтаи назар, асли трансчегаравий дарёларнинг сув заҳираларидан бошқа республикаларга нисбатан кўпроқ фойдаланиш учун Ўзбекистон алоҳида ҳуқуқларга эга эканлигини уқтириш эмас. Мазкур мамлакат тутган йўл нафақат халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва бу соҳадаги асосий қоидаларга мос келади, балки ушбу ҳужжатлардан келиб чиқилганлигини ҳам билдиради» дейилади интернет-нашрда.

Мақола якунида қуйидаги фикрлар билдирилади:

— Ҳар бир мамлакат трансчегаравий дарё сув заҳираларидан фойдаланиш, жумладан гидротехника иншоотлари барпо этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни амалга оширишга ҳақлидир. Бироқ мазкур ҳолатда улар ошкоралик тамойиллари ва манфаатдор томонларнинг тўла хабардор этилганлиги асосида ва техникавий-иқтисодий ва экологик экспертизадан ўтказилиши керак.

Шу ўринда икки ўта муҳим шарт кафолатланиши лозим:

биринчиси – оқим қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар учун сув оқими миқдорининг камайишига йўл қўйилмаслиги даркор;

иккинчиси – минтақадаги шусиз ҳам мўрт бўлиб турган экологик хавфсизлик бузилмаслиги лозим».

«Жаҳон» АА.

Париж

ТИНЧЛИКнинг ТИНЧ-ОСУДА КУНЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

ЗИЁ МАСКАНИ

Тинчлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бундан тўрт йил аввал 315 ўринли мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Янги мактаб 340 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

— Илгари замонавий, шинам ўқув хоналарида ишлаш орзуимиз эди, — дейди 9-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мурод Хайлаев. — Ҳозир зарур шарт-шароитлар мавжуд. Мактабимиз 2005 йил республика кўрик-танловида "Энг замонавий мактаб" номинацияси бўйича биринчиликни олди. 2006 йилда эса "Йил мактаби" кўрик-танловининг финал босқичи ғолиби бўлди. Ўқувчимиз Нигора Ҳамроева география фани бўйича ўтказилган олимпиадада вилоятда биринчи ўринни қўлга киритиб, республика босқичида фаол иштирок этди.

Мактабнинг 2 та компьютер синфи, информатика кабинети, ахборот-ресурс маркази доимо ўқувчилар билан гавжум.

ОМАД СЕНГА, САРВИНОЗ!

Мактабнинг 8-синф ўқувчиси Сарвиноз Қурбонбоева шахмат бўйича беш карра Ўзбекистон чемпиони. Ёш шахматчига болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўйича тўғараги раҳбари, халқаро тоифадаги спорт устаси Маматқул Хайлаев мураббийлик қилади. Қувонарлиси, қишлоқнинг 50 нафарга яқин ўғил-қизини жамлаган тўғарак аъзоларидан яна бири 12 ёшли Элбек Жуманов яқинда ўтказилган республика мусобақасида 3-ўринни қўлга киритди.

Маматқул Хайлаев Сарвиноз билан саккиз йилдан буён машғулот олиб боради. Тинимсиз машқлар туфайли махорати ошиб бораётган Сарвиноз Қурбонбоева жаҳон мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқда. У 2005 йили Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида фахрли ўринлардан бирини, Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида эса 2-ўринни қўлга киритди.

Сарвиноз Греция, Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам давлатларида бўлган халқаро мусобақаларда ҳам қатнашди. Унга бу борада Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекэнергo" ДАК, Сирдарё электр тармоқлари корхоналари ҳомийлик қиляпти. Айни пайтда Сарвиноз Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

ТАНСИҲАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИҒИ

Қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турган бинолардан бири қишлоқ врачлик пунктидир. Ушбу маскан энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда.

— Қишлоғимизда 300 та хонадон, 2 та мактаб бор, – дейди ҳамшира Сайёра Шоимова. — Ўтган йили 280 нафар ўқувчи ва туғиш ёшидаги 441 нафар аёл тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Лаборант Мақсадой Полвонова, патронаж ҳамшираси Саида Полвонова, картотека ҳамшираси Гулчеҳра Абдуллаеванинг хизматидан аҳоли мамнун.

ФЕРМЕРЛАР — ҚИШЛОҚ ТАЯНЧИ

— Юртимизда фермерларга, қишлоқ мулкдорларига эътибор йилдан йилга кучайиб бормоқда, — дейди Носир Маҳмудов номидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси Даврон Маликов. — Ҳудудимиздаги 22 та фермер хўжалиги тасарруфида 960 гектар ер майдони мавжуд. Ерларнинг 338 гектарида ғалла, 538 гектарида пахта етиштирилади. Чорвачиликка ихтисослаштирилган 3 та фермер хўжалигида 105 бош қорамол боқиляпти. Фермерларимиз ўтган йилни ёруғ юз билан якунлашди. Бу йил ҳам яхши ниятлар билан мавсумга ҳозирлик кўрилмоқда.

Собир Муродов раҳбарлигидаги "Како" фермер хўжалиги ҳисобида 200 гектар ер майдони, 2 та К-700 ҳайдов, 1 та ВТ-150, 3 та МТЗ-80 русумли трактор, комбайн, экскаватор, дала шийпони, гараж, машина-трактор парки бор. Мазкур хўжаликда 60 киши меҳнат қилади.

Қишлоқ аҳли ҳар қарич ердан унумли фойдаланди. Шахсий томорқаларда помидор, картошка, пиёз етиштирилиб, рўзғордан ортгани бозорларга чиқарилади.

— Ташландиқ ерни тозалаб, тол, терак ва 150 туп анор кўчатини ўтказгандим, — дейди ўқитувчи Мурод Хайлаев. — Ниҳоллар уч йилда ҳосилга кирди. Ўтган йили 1,5 тонна анор етиштирдим. Дарахтларни кузда кўмиб, чилла сувига қондирамиз. Эрта баҳорда очиб, бутаймиз, парваришлаймиз. Даромадни четдан эмас, ердан қидириш керак.

Ҳа, Тинчлик қишлоғининг бағрикенг, меҳнаткаш ва меҳмондўст инсонлари жорий йилни "бизнинг йилимиз бўлди" дея қувониб, эртанги кунга ишонч туйғуси билан меҳнат қилишмоқда. Деҳқонлари ер билан тиллашган, чавандозлари орият учун майдонга тушган, ёшлари ҳар жабҳада ўзини кўрсатаётган бу қишлоқ аҳлига ҳавас қилса арзийди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сирдарё вилояти

Кейинги йилларда мамлакатимизда банкларнинг иш кўлами кенгайиб, улар зиммасига юклатилган вазифалар салмоқдор аҳамият касб этаяпти. Улар орасида "Ипотека" банкнинг фаолияти ўзига хосдир. 2008 йили банкнинг Қорақалпоғистон филиали томонидан пахта хомашёси етиштириш учун 371,2 миллион, ғалла хосили учун эса 29 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Беруний ва Хўжайли туманларида фаолият юритаётган фермер хўжаликларига "ТТЗ-80-11", "МТЗ-80" русумли тракторлар, амударёлик ва нукуслик мулкдорларга эса "Клаас-Доминатор-204 МЕГА" ва "Клаас-Доминатор-130", "Енисей-НМ" ўрим комбайнлари, Чимбой, Кегайли, Нукус туманлари учун "ВТ-150Д" русумидаги техникаларни олиш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиб берилди. Булар туфайли Қорақалпоғистон Республикасида пахта ва ғалла етиштирувчи фермерларнинг имконияти янада ошди.

Қарор ва ижро

IPOTEKA BANK

МАБЛАҒ ҚАНЧА ТЕЗ АЙЛАНСА, ИШЛАР ШУНЧА БАРОРИДАН КЕЛАДИ

Аҳоли бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш мақсадида қулайликлар яратилиб, махсус кассалар очилгани кўпчиликка маъқул тушаётир. Улар марказий бозор, Нукус шаҳар электр тармоқлари, шаҳар газ тармоғи, иссиқлик манбаи, Туямўйин-Нукус суғориш тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси ва шу каби аҳоли гавжум нуқталарда жойлашган. Жамғарма ва махсус кассалар аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш билан бирга бошқа тўловларни ҳам қабул қилади.Кейинги вақтда молия муассасаси томонидан "Антиқа", "Шодиёна-2", "Адолат-2", "Зиё", "Нур-2" сингари омонат турлари жорий қилинган. Уларга аҳолининг қизиқиши катта. Омонатга жалб қилинган маблағлар "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни билан кафолатланади.

– Ёш оилаларнинг қулай уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш, уй-жой қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш тизимини шакллантиришда Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони фаолиятимизда дастуриламал

бўлди. Банкимиз томонидан 2008 йил давомида 32 та ёш оилага 482,4 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилди, – дейди "Ипотека" банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошлиғи Шуҳрат Расулов. –Юртбошимизнинг 2007 йил 12 июндаги "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра 29 ёш оилага уй-жой сотиб олишлари учун 359 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Кўплаб ёш оилаларга истеъмол кредитлари ажратилиб, улар рўзғор учун зарур бўлган техник жиҳозлар ва мебел харид қилишмоқда.

Шуҳрат Расуловнинг айтишича, 18 та ёш оилага берилган 33,6 миллион сўмлик истеъмол кредитлари турмуш шароитларини яхшилашга имкон яратди. Ҳовли тўйларини ўтказаётган оилалар сафи кун сайин ортиб бораётир. Нукус шаҳри ҳокимияти томонидан шаҳарнинг Амир Темур кўчасида 32, Ўтепова кўчасида эса 40 оилага мўлжалланган беш қаватли турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда филиал таркибида 11 та минибанк мавжуд бўлиб, улар олис овулларни ҳам қамраб олган. "Олтинсой" минибанки Беруний, "Оқ олтин" минибанки Хўжайли, "Қизилуй" минибанки Нукус, "Макпалкўл" минибанки Тахтакўпир туманлари аҳолисига хизмат қилаётир.

– Ушбу минибанкларимиз компьютер, принтер, модем алоқаси, мебель жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган, – дейди филиал бошлиғининг ўринбосари Ўтепберган Турдиқулов. – Бунинг натижасида улар доимий равишда фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг январь ҳолатига кўра Нукус туманидаги "Қизил уй" минибанкининг рентабеллик даражаси 80 фоизни, Хўжайлидаги "Оқ олтин" минибанки шохобчасининг бу борадаги кўрсаткичи 68, Нукус шаҳридаги Беруний минибанкиники 63, "Жайхун" минибанкининг рентабеллик даражаси эса 86 фоизни ташкил қилди.

Маълумки, филиал томонидан нақд пулсиз пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш имконияти яратилган бўлиб, у коммунал, ўқиш учун контракт-тўловлари, савдо нуқталарида маҳсулот харид қилишда қўл келаётир. Ҳозирда молия муассасаси томонидан 16849 та пластик карточка тарқатилган. 31 та савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш нуқталари, 2 та дорихона, 9 та жамғарма кассаларидаги жами 46 терминал орқали аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Филиал жамоаси 2009 йилда янада катта марраларни кўзламоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да Қорақалпоғистоннинг олис қишлоқ ва овулларида аҳолига замонавий банк хизмати кўрсатишни янада кенгайтириш учун ҳормай-толмай иш олиб бормоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Кўлишутурум қовунлари тотлилигининг сири нимада?

Қишлоқларимиз тарихи

Юртимиздаги ҳар бир гўша номининг келиб чиқиши тўғрисида мароқ билан тинглашга арзигулик тарихи бор.

Кўлишутурум — Бухоро туманининг шарқий қисмида кўшни Навоий вилояти билан чегарадош Зарафшон дарёсининг эски ўзанига яқин ҳудудда жойлашган қишлоқ. Бу ном кўл — кўл, шутурум эса турмас, яъни муайян муддатга пайдо бўлиб, вақт ўтиши билан чекинадиган, деган сўзларнинг бирикувидан пайдо бўлган. XV-XVI асрлардаги Бухоро тарихи ҳақида ёзилган асарларда Кўлишутурум қишлоғининг номи ҳам тилга олинган. Тарихий асарларда Кўлишутурум қадимги Бухоронинг энг ширин ва хушбўй қовунлар етиштириладиган қишлоғи сифатида таърифланади.

Дарҳақиқат, ёши улуғ кишиларнинг эътироф этишича, бу қишлоқда қадим замонлардан бери қовун етиштириб келинган. Қишлоқ полизкорларининг бошқаларга маълум бўлмаган қовун экишга ерни ҳамда уруғликни ҳозирлаш, парваришлаш ва қовундан қоқи, шинни, мураббо тайёрлаш каби ўзига хос усуллари бўлган. Улар бу усулларни бошқалардан сир сақлашган. Қовунлари жуда ширинлиги ва ўзига хос хушбўйлиги билан ажралиб тургани боис, ниҳоятда бозоргир бўлган.

Бу ҳудудда ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ҳам жуда кўп миқдорда қовун етиштирилган. Ҳар йили кеч баҳорда кўл суви чекингач, қўриқ ерларида полизкор деҳқонлар капа қуриб, деҳқончилик ишларини бошлаб юборишган. Улар етиштирган бўрикалла, оқ, кўк ва сариқ гулоби, қамишбарги каби қовун навлари ниҳоятда харидоргир бўлган. Ҳатто, Ҳинду Хитойдан келган карвон савдогарлари ҳам бу қишлоқ қовунларини суйиб харид қилишган.

Кўлишутурумлик полизкорларнинг энг сўнгги вакилларидан бири — Яраш бобо номини ҳамқишлоқлари ҳозир ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Яраш бобо кўп йиллар кўриқ ерларида қовун етиштириш билан машғул бўлган. Ҳатто, у собиқ иттифоқ миқёсида ўтказилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмасида қовунлари билан иштирок этиб, бир неча бор совринли ўринларни эгаллаган...

Пахта яккаҳокимлиги йилларида қовун етиштириладиган кўриқ ерлар ўзлаштирилди. Шу кўйи бу ерларда полизкорлик ҳам барҳам топди.

Хўш, кўлишутурумликлар етиштирган қовунлар нима сабабдан бу қадар ширин ва хушбўй бўлган?

Қизиқ бир ривоят бор. Кўлишутурумлик кекса бир полизкор қовунлар пишиб етилган кунларнинг бирида ўз капасида ухлаб қолибди. Деҳқоннинг тушига кирган бир мўйсафид чол тунда қовунларнинг палагидан унинг эти ва уруғига ажиб бир хушбўйлик, ширинлик югуришини, тонг отгач эса яна палакка қайтишини, шу сабабдан қовунларни тунги вақтларда узиш зарурлигини таъкидлабди. Шу-шу кўлишутурумлик полизкорлар фақат тунги вақтларда қовун узадиган бўлишибди. Уларнинг қовунлари хушбўй ва ширинлиги тилни ёрадиган даражада бўлишининг сабаби шу экан.

Биз бу ривоят қай даражада ҳақиқатга яқинлигини айтолмаймиз. Аммо ҳар бир қишлоқ ва гузаримизнинг эътироф этишга арзигулик гўзал тарихи борлигини эслатиб қўймоқчимиз.

Ҳамроз АЛИ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Бухоро вилояти

Агромаслаҳатхона

Куз ва қиш ойларида ёғингарчиликнинг кам бўлиши, қиш иқлимининг муайян даражада илиқ келиши ҳамда айни пайтгача сув захираларининг кам тўпланганлиги жорий йил деҳқончилигида сув танқислигини келтириб чиқариши мумкин. Мустаҳкам пойдевор яратилса, бундай мураккаб шароитда ҳам мўл ҳосил етиштириш мумкин, дейишади мутахассислар. Бунинг учун тадорики ҳозирдан бошлаш зарур.

СУВ ТАНҚИС ШАРОИТДА БОҒ АГРОТЕХНИКАСИ

Юрт дастурхонини тўкин қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишни мақсад қилган боғбону сохибкорлар мева, узум маҳсулотларини кўпайтириш, мўл ҳосил етиштириш учун сув танқислиги шароитида қуйидагиларга эътибор қаратишлари тавсия этилади.

* Мавжуд сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, тунги суғоришга эътибор қаратиш, иккиламчи манбаларни ишга солиш, жумладан зовур сувларидан фойдаланиш февраль ойида боғ ва токзорларнинг гектарига 1500-2000 м³ сув бериб, қишки суғоришни ўтказиш. Бундай суғоришда тупроқ 2 метр чуқурликкача намга тўйинади. Бу эса вегетация даврида 1-2 суғоришни қисқартиради.

* Намни сақлаш учун тупроқни мулчлаш, яъни унинг юзасини турли чириндилар билан қоплаш, шунингдек, қумли, шағалли, шўрланган тупроқларда ва шартли суғориладиган ерларда яхши самара беради. Бундан ташқари, мулчлаш шўрланган тупроқларда тупроқнинг шўрини камайтиради. Мулчлаш сифатида похол, қипиқ, чириган ғўнг, шоли қипиғини ишлатиш мумкин. Мулч 10-12 см. қалинликда 100 см. радиусда солинади. Бу тадбир қўлланилганда гектарига 70 м³ сув иқтисод бўлади.

* Сувдан тежамли фойдаланиш учун боғ ва токзорлар суғориш ариқлари узунлигини қисқартириш зарур. Шағалли ва қумли тупроқларда суғориш эгатлари оғир тупроқларга нисбатан калтароқ бўлади.

Енгил тупроқларда суғориш эгатлари 100-120 метрдан ошмаслиги керак. Бу айниқса, қумли тупроқларда катта аҳамиятга эга. Шу усулда сув сарфи 105 м³ни ташкил қилади.

* Ҳар бир суғоришдан кейин тупроқнинг намини сақлаб қолиш учун ерни юмшатиш яхши натижа беради. Лалми ҳудудларда боғ ва токзорлар орасини юмшатиш, албатта, мулчлаш орқали амалга оширилади. Бу усул, айниқса, ёш, дарахтли боғларда тез самарасини кўрсатади.

Культивация тупроқ таркибини яхшилайди, намни сақлайди.

* Бегона ўтлар ер қуввати ва намини олиб қўяди. Шу боис ҳамма жойда қатор ва туп ораликларида бегона ўтларни йўқотиш чораларини кўриш зарур.

* Бу йилги шароитда касаллик ва зараркунандалар кучайиши кузатилиши мумкин. Бу эса уларга қарши изчил курашни тақозо этади. Айниқса, олма қурти, нок шираси қурти, узумзорларда – оидиум ва антракноз кучайиши хавфи бор. Шу сабаб мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган тавсияномаларга мувофиқ иш юритиш, нафақат ҳосилни сақлаб қолиш, балки маҳсулот сифатини ҳам ошириш.

* Ҳосилли узумзорларда ёзги асосий агротехник тадбирлар – хомток, чеканкани тўғри ўтказиш – барг сатҳидан парланишни камайтиради. Бу усул бир гектар майдонда 100 м³ намликни иқтисод қилиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги шароитда сув сарфланишини қатъий назорат қилиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Тупроқ шароитига қараб боғ ва токзорлар сув сарфини аниқлаш, ер ости сувларидан фойдаланиш, оқава сувларнинг бекорга оқиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

Ўсимлик ривожини таъминлаш, мавжуд боғ ва токзорлардан юқори сифатли мўл ҳосил олиш ҳамда келаси йил ҳосилга пухта замин ҳозирлаш долзарб вазифалар сирасига киради.

Юрий ЖАВАКЯНЦ,
Маҳдий РАЗЗОҚОВ,
Р.Р.Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти ходимлари.

Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги фармони асосида Навоий вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хусусий сектор субъектларида касаначилик имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда.

КАСАНАЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Нурота туманидаги «Ал-араб Шерзод» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида 30 нафар касаначи ишламоқда. Ишчи ва касаначиларнинг унумли меҳнати туфайли ўтган йили 275 миллион сўмлик кўрпа-тўшак, қўлқоп ва бошқа ишчи кийимлари тайёрланди. Маҳсулотлар саноат корхоналари ва турли муассасаларга буюртма асосида етказиб берилмоқда.

– Уй бекалари билан шартнома асосида ишламоқдамиз, – дейди корхона раҳбари Фармон Ибодов. – Олинган соф фойда ҳисобидан яқинда мармар ва пахтани қайта ишлаш цехлари ишга туширилди. Сифатли сайқал берилган мармар маҳсулотларимизга харидорлар қўпайиб бормоқда. Жорий йилда тикувчилик цехи очиб, замонавий бичимда эркак ва аёллар кўйлаклари тайёрлаш йўлга қўйилади. Айни вақтда ишлаб чиқаришга касаначиларни кенг жалб этиб, уларнинг уй шароитида меҳнат қилиши учун барча имкониятларни яратишга, моддий манфаатдорлигини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Навоий вилояти

Агросаноат мажмуи таркибидаги вазирлик, компания, уюшма ва бошқа идоралар, уларнинг вилоятлардаги бошқармалари, туманлардаги бўлимлари раҳбарлари диққатига!

Андижон қишлоқ хўжалик институти 2008/2009 ўқув йилида бакалавриат йўналиши ва магистратура бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш, уларни тўғри йўналтириш мақсадида ёш мутахассисларнинг иш билан таъминланиши юзасидан мурожаат этади: Сизлар раҳбарлик қилаётган ташкилот, корхона ва муассасалар эҳтиёжидан келиб чиқиб, институт Маркетинг хизмати бўлимига таклифлар беришингизни сўраймиз. Қуйидаги жадвалларда юқори малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИНИ 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Т/р	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи	Жами	шу жумладан		Шу жумладан, вилоятлар бўйича								Шу жумладан, Андижон вилояти туманлари бўйича																											
					Андижон		Наманган		Фарғона		Сурхондарё		Андижон шаҳри		Андижон тумани		Асака		Балиқчи		Бўз		Булоқбоши		Жалақудуқ		Избоскан		Қўрғонтепа		Марҳамат		Олтинкўл		Пахтаобод		Хўжаобод		Шаҳрихон		Улуғнор	
		Жами	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43
1.	Касбий таълим	21	10	11	8	10	2			1				1	1	2			1					1	1	1	4	5	1													
2.	Иқтисодиёт ва бошқарув	60	14	46	13	44			1	1		1	2	10	1	6		4	2	4					1	3	4	4		3			3	5		1		1		3		
3.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	48	13	35	12	32	1	2		1				7	5	6		1		1		1			1	2	2	6	1	2			1	4	1	1			1	1		
4.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш	107	42	65	41	61	1	2		2			6	15	7	8		3	3	1			1	4	1	2	7	14	4	5	3		5	2	2	5		2			2	
5.	Сув хўжалиги ва мелиорация	23	9	14	7	11			2	3			1	2	1	3				1						1	4	2		1			1			1						
6.	Фермер хўжалигини бошқариш	34	15	19	13	18	1	1	1				2	2	2	3			3					4	1		3		1	1		3		2	1			1		1		1
7.	Агрономия	35	15	20	12	17	2	2	1	1					1					1						1	5	8		2		1	2	2	3	2					1	
8.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантин	22	14	8	8	6	3	1	2	1	1		1	1	3				1									3					3	1		1						
9.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	8	5	3	5	2				1					1				1						1	1				1			2									
10.	Экология	8	5	3	4	3	1								1			1									2	1					1			1						
	Жами	366	142	224	123	204	11	8	7	11	1	1	12	38	23	28		9	11	8		1	1	9	6	11	31	43	7	15	3	4	18	16	7	12		4	1	5	3	1

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИНИ 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРАНТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Т/р	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи	Жами	шу жумладан		Шу жумладан, вилоятлар бўйича								Шу жумладан, Андижон вилояти туманлари бўйича																											
					Андижон		Наманган		Фарғона		Сурхондарё		Андижон шаҳри		Андижон тумани		Асака		Балиқчи		Бўз		Булоқбоши		Жалақудуқ		Избоскан		Қўрғонтепа		Марҳамат		Олтинкўл		Пахтаобод		Хўжаобод		Шаҳрихон		Улуғнор	
		Жами	Грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43
1.	Пахтачилик	7	1	6	1	3		3						1										1					1	1												
2.	Дончилик	5	1	4		2		1	1	1						1												1														
3.	Гидромелиорация	4	1	3	1	1				2					1																					1						
4.	Деҳқончиликни механизациялаш	4	1	3	1	3																					1	3														
5.	Қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш	4	1	3	1	3								1		2											1															
	Жами	24	5	19	4	12		4	1	3				2	1	3								1			2	4	1	1						1						

Манзил: 711520. Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси **Тел:** (8374) 222-17-84; (8374) 373-11-65 **Факс:** (8374) 373-13-63

"Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ақлан етук, жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларини ташкил этиш билан биргаликда спортнинг экстримал турлари бўйича кенг доирада анъанавий тарзда турли фестиваллар ўтказиб келмоқда.

"ЧИМЁН-ЭКСТРИМ-2009" ФЕСТИВАЛИ

Ана шундай фестиваллардан бири жорий йилнинг 17-22 февраль кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Чимён оромгоҳи"да бўлиб ўтади. Ушбу "Чимён-экстрим-2009" қишки байрам фестивалининг аҳамияти шундаки, ёшларни турли хил салбий иллатлар билан эмас, балки спорт билан, айниқса, спортнинг экстримал турлари билан банд қилишдир.

Ушбу фестиваль доирасида экстримал спорт турларининг скейтборд, роликли коньки, тоғ велосипеди, слалом, сноуборд, музга чиқиш, тоғ чанғиси ва альпинизм бўйича мусобақалар бўлиб ўтади.

Фестивалнинг иккинчи ярми "Пўлатхон афсонаси сари" каби экологорнологик экспедициялар ва "Эколандия мамлакати" ёш скаутлар лагери бўйича экологик лойиҳаларининг намойиши бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад, республикамиз ёшларини ўсимлик дунёсининг кўз илғамас жиҳатлари билан таништириш, экология ҳақидаги тушунчаларини бойитишдан иборат.

Орзугул РУСТАМОВА

ЭҲТИРОМ

(Боши 1-саҳифада)

Аньанага кўра, 9 февраль куни Ўзбекистон Миллий боғига олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, талаба-ёшлар тўпланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, ёшларни соғлом тафаккур соҳиблари этиб вояга етказишда Алишер Навоий меросини чуқур ўрганишга, кенг тарғиб ва ташвиқ этишга, шоирнинг умрбоқий асарларининг мазмун-моҳиятини ёшлар онгу-шуурига чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Алишер Навоий асарларини пухта тадқиқ этиш, нашр қилиш, шоир ижодидан ёш авлодни ватанпарварлик, эзгулик, юрт тақдири учун дахлдорлик руҳида тарбиялашда кенг фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Шоир асарларида таранним этилган инсон руҳиятидаги маънавий юксакликка интилиш, осойишталик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, яратувчанлик, бунёдкорлик, юрт ободлиги каби умрбоқий эзгу ғоялар жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган ютуқларимизда ўз ифодасини топмоқда.

Германия Федератив Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Матиас Майер, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев, Бухоро давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари доктори, профессор Нодира Афоқова Навоий асарлари бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланганини таъкидлади. Унинг асрлар оша бутун башариятни тинчликка, ҳамжиҳатликка даъват этиб келаётган асарлари жаҳонда ҳамон катта қизиқиш уйғотмоқда, кўплаб хорижий тилларга таржима қилинмоқда. Турли мамлакатларда буюк шоиримизга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида ёдгорликлар ўрнатилган. Бундай эзгу амаллар башарият маданияти, адабиёти равнақига бемисл ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг боқий маънавий мероси, халқимиз ижодий салоҳиятининг жаҳоний эътирофидир.

Тадбир иштирокчилари шоир ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги шоирлар хиёбонида Алишер Навоий ижодига бағишланган адабий мушоира бўлиб ўтди.

«Истиқлол» саройида шоир ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлардан иборат концерт намойиш этилди.

Улуғ алломанинг ҳаёти, маънавий меросига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Навоийда Навоийхонлик

Ривоят қилишларича, Самарқандда таҳсил олган кезлари Навоий карвонлар билан ўтаётиб, Кармана яқинидаги Работи Малик ва Сардоба қадамжоларида тўхтаб ҳордиқ чиқарган.

Эндиликда мустақиллигимиз туфайли обод гўшаларга айлантирилган бу масканлар ҳазрат Навоий пойқадами теккан гўша сифатида эъзозланмоқда.

Навоий вилоятида кенг жамоатчилик томонидан буюк шоиримизнинг қутлуғ 568 йиллиги қизғин кутиб олинди. Вилоят марказидаги "Фарҳод" маданият саройида ташкил этилган анжуманда эса Навоийхонлик тадбирлари янада қизғин кечди.

Вилоятдаги олийгоҳлар, коллежлар ва меҳнат жамоаларида аньанавий Навоийхонлик кечалари ўтказилди. Навоий шаҳридаги улуғ мутафаккир шоир номидаги боғда қад ростлаган Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Навоий вилояти

СПОРТ

ОЛИМПИЯ САРИ ИЛК ҚАДАМ

Пекин Олимпиадасининг кумуш медали соҳиби Абдулла Тангриев Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш йўлидаги илк қадамини ташлади.

Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган "Катта Дубулға" туркумига кирувчи дзюдо бўйича илк турнирда 40 дан ортиқ мамлакатнинг энг кучли спортчилари жамланди.

Юз килограммдан ортиқ вазн тоифасида иштирок этган Абдулла Тангриев учинчи ўринни қўлга киритиб, нуфузли турнирнинг бронза медали соҳибига айланди. Ва олимпиадага йўлланма берадиган илк рейтинг очкосини қўлга киритди.

Айтиш керакки, теннисга тақлид қилган ҳолда илк бор ташкил этилган ушбу турнир нуфузи жаҳон кубоги учун ўтказиладиган турнирларга қараганда юқори. Жаҳон кубогида биринчи ўрин 100, иккинчи ўрин 60, учинчи ўрин учун 40 очко берилса, "Катта Дубулға" туркумига кирувчи турнирларда биринчи ўрин соҳиби 300 рейтинг очкоси ва 5000 АҚШ доллари, иккинчи ўрин – 180 очко ва 3000 АҚШ доллари, учинчи ўрин – 120 очко ва 1500 АҚШ доллари миқдоридаги пул билан мукофотланади.



"Пахтакор" Боян Миладинович билан шартнома имзолади

ФУТБОЛ

Сербиялик Боян Миладинович "Пахтакор" билан 2+1 кўринишдаги шартномага имзо чекди.

Европа вице-чемпиони бўлган Боян футболчилик фаолияти давомида "Червена Звезда" ва "Напредак" жамоалари шарафини ҳимоя қилган. 1982 йилда таваллуд топган марказий ҳимоячи "Пахтакор"нинг БААда ташкиллаштирилган мавсум олди йиғинида қатнашганди.

Шу тариқа МДҲ кубогида 4-рақам остида майдонда тўп тепган ҳимоячи, келгуси фаолиятини "Пахтакор" билан боғлашга қарор қилди.

"Moscow Open-2009" халқаро шахмат фестивали

ШАҲМАТ

Москва шаҳрида еттита мусобақани ўз ичига олган "Moscow Open-2009" халқаро шахмат фестивали ҳал қилувчи паллага кирди.

Беш юз нафардан зиёд спортчи қатнашаётган "Open-B" турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Илгиз Тиукаев россиялик рақиблари В.Тухватуллин, А.Ковтуненко, М.Мусаев, А.Калинин, Н.Абросимовни мағлубиятга учратди, И.Баранов билан эса дуранг ўйнаб, 6 имкониятдан 5,5 очко йиққан ҳолда учинчи ўринни эгаллаб турибди. Шунингдек, ҳамюртларимиз А.Норқулов, 5 очко, К.Раҳматуллаев 4 очко жамғарган ҳолда юқори ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Юз эллик нафардан зиёд шахматчи қатнашаётган аёллар ўртасидаги "Open-C" турнирида иштирок этаётган спортчимиз Л.Малиничева ҳам мусобақани кетма-кет ғалабалар билан бошлади. Ҳозирча ўзбекистонлик шахматчи учта россиялик рақибини мағлубиятга учратди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Абдусаттор ХОТАМОВ

Ҳаёт ҳақида ўйлар

Касалхона ҳовлисида эрта баҳорда уч туп қизил атиргул очилди. Беморлар палатада ҳам, ҳовлида ҳам бу гулларга термулиб завқ олардилар.

Ўша гуллар тўсатдан йўқ бўлиб қолди. Кимдир гўёки беморлар қалбидан бу гулларни узиб олганди.

* * *

У ҳаётини ўзгартиришни жуда истарди. Лекин ўзгартиришга жазм қилолмасди. Негадир омад унга осмондан тушадигандек туюлаверарди. Бир кун бетоб бўлди ва умр мазмунини ўйлади. Бетоблиги сабаб, ҳаётини ўзгартириш режасини тузди.

Дунёга теран боқиш учун, албатта, бош ёстиққа тегиши шартми?

* * *

Неварам танбеҳимни эшитиб дафъатан менга қаради ва бегоналарга айтадиган ёмон гапларини дейишдан тийилди.

Икки ёшли қизчаки, ёмон сўзларни айтишдан ўзини тўхтата олган экан, негадир катталар заҳарли сўзлар ишлатишдан тортинишмайди...

* * *

Қайсидир танишим дам олиш пайтимда уйимга қўнғироқ қилавериб, ҳаммани ҳоли-жонига қўймапти. Жуда елим экан, ўйладим хафа бўлиб.

Анчадан кейин уни кўриб қолдим. Илжайиб қучоқлашиб кўришар эканмиз, "Оббо, тағин менда нима илтимоси бор экан" деб ўйладим. Танишим эса жилмайганича "Ҳикоялар тўпламинг нашриёт режасига кирибди. Шуни ўзингга айтиб хурсанд қилай дегандим. "Суюнчисига эса битта китобинг етади", деди. Шошмашошарлик қилиб, нотўғри хулоса чиқарганим учун афсусландим.

* * *

Тижорат дўкони олдидаги қафасга бургут солинган. Тағин қафасни кўтариб учиб кетмасин деб, оёғини кишанлаб, дарахтга боғлаб қўйишибди. Кўзи тушганлар бош чайқашади: "Сен қафасга муносибмидинг, эй, бургут".

Кўп ўтмай қафас бўшаб қолди. Бургутнинг тоғдек юраги тутқунликка чидай олмагандир балки.

Шолғомнинг хосияти

Шолғомнинг шифобахш хосиятлари қадимдан маълум. Абу Али ибн Сино шолғомнинг ўртасини ўйиб, мум ва гулмой солиниб қўрда кўмилгани билан тери касалликларини, совуқдан пайдо бўладиган яра ва ёрилишларни даволаш мумкинлигини айтган.

Қайнатиб пиширилган шолғом кўкрак қафаси ва томоқни юмшатишда ишлатилган. Ушбу сабзавот гўшт билан қайнатиб истеъмол этилса, кишига мадор, кўзга фойда беради. Шолғомнинг пешоб ҳайдаш, жароҳатларни тузатиш, оғриқсизлантириш хусусиятлари ҳам бор. Қайнатиб пиширилган шолғом, унинг шарбати зиқнафас, кўксов касалликларида, изтиробли йўтал пайдо бўлганида, ҳиқилдоқ оғришининг ўткир кўринишида ижобий натижасини намоён этади. Томоқ шамоллаши, овоз равонлашиши ва уйқусизликда тиним олишга мойиллик яратади.

Маълумотларга кўра, шолғом шарбати шакар ёки асил асал билан истеъмол қилинса, балғамни кўчиради, ютқунни маромида бўлишига ёрдам беради. Бунинг учун 2 ош қошиқ майдаланган чучуклаштирилган шолғом шарбатидан кунига 3 маҳал истеъмол қилиш лозим.

Шолғомдан тайёрланадиган дамлама

Шифобахш неъматлар

билан оғиз чайилиб турилса, тиш хасталикларига даволик қилади, тишни қурт ейишидан, оғизни елланишдан холи этади.

Уй шароитида шолғомдан доривор тайёрлаш учун 2 ош қошиқ майдаланган шолғом устига бир стакан қайноқ сув солиб, 15 дақиқа давомида қайнатилади ва ундан чорак стакандан ичиб турилади. Бир стакан бундай қайнатма уйқу олдидан истеъмол қилинса, тинчлантирувчи дори сифатида таъсир кўрсатиб, уйқуга мойилликни оширади.

Шолғомнинг бундай шифобахш хусусияти унинг таркибида 2,9-3,1 фоиз оқсил, 90 мг С белгили дармондори, 0,63-0,75 фоиз маъданий тузлар: 238 мг калий, кальций, фосфор (30 мг), пантотен ачили, шунингдек витаминлардан B_1, B_2, B_6, PP, каротин, 0,72 фоиз сахароза каби фойдали моддалар борлиги билан изоҳланади.

Қайд этиб ўтамиз: шолғомнинг ўзига хос таҳирлигини қайноқ сувга ботириш билан йўқотиш мумкин. Пиширилмаган шолғомни меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси, шунингдек, қалқонсимон бези касалликлари билан оғриган кишиларга тавсия этиб бўлмайди.

Доно ХЎЖАЕВА,
олий тоифали доришунос.

SSANGYONG АВТОСАЛОН
МЧЖ"ULOR AVTO"расмий вакили SsangYong Motor Company(Жанубий Корея)

Германия технологияси асосида Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган
Маҳсулот сертификатланган Божхона тўлови тўланган
Тошкент ш.У.Носир кўчаси 12. Тел.: 148-48-48, 150-71-20, (+99897) 421-21-01, (+99897) 421-21-02.
Кафолат 2 йил (40000 км.)

Утерянная круглая печать, чековая книжка, техпаспорт на трактор "ДТ-75" фермерского хозяйства "BERKUT SEMRUG'" (ИНН 300221935), считать недействительным.

Утерянная круглая печать, чековая книжка, техпаспорт на трактор "ВТ-150" фермерского хозяйства "KULMUXAMMAD ABDULLA UMAR", считать недействительным.

ЧП "IRINA-GRATSIYA" (ИНН 201005864) сообщает всем заинтересованным организациям и лицам об уменьшении Уставного фонда с 1 431 503 сумов до 16 093 сумов. Тел.: 217-43-97.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси

Республикада чоп этилаётган газета ва журналларда эълон қилинган, ўрмончилик ва унга оид масалалар ёритилган энг яхши материаллар учун журналистлар ўртасида танлов ўтказилишини маълум қилади

1-ўрин — 300000 сўм
2-ўрин — 200000 сўм
3-ўрин — 100000 сўм
Рағбатлантирувчи совринлар (5 та) 50000 сўмдан

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Танловга 2009 йил 10 февралдан 2009 йил 20 майгача (100 кун давомида) эълон қилинган материаллар қабул қилинади.

2. Ишлар чоп этилган ҳолатда тақдим этилади.

3. Танловга очерклар, мақолалар, репортажлар, журналистик текширувлар, таҳлилий материаллар қабул қилинади.

4. Танловга тақдим этиладиган материаллар туркуми 4 тадан кам бўлмаслиги шарт.

5. Материал чоп этилган нашр 2 нусхада тақдим этилади (ёки почта орқали жўнатилади).

6. Танловга тақдим этиладиган материаллар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:
— ёритилаётган мавзунинг долзарблиги;
— аҳолида ўрмонзорларни асраш ва уларни кўпайтиришга интилишни шакллантиришга қаратилганлиги;
— ўрмонзорларнинг нобуд бўлиши ва ноқонуний кесилиб кетишининг олдини олишга йўналтирилганлиги;
— бугунги глобал экологик муаммоларни бартараф этишда ўрмонларни кўпайтиришнинг аҳамияти ёритилганлиги;
— омманинг хабардорлигини оширишга қаратилганлиги.

7. Танлов ғолиблари қуйидаги талаблар асосида аниқланади:
— Далилларга асосланилганлиги, оригиналлиги, мавзунинг тўла ёритилганлиги;
— Аниқлиги ва ишончлилиги;
— Мавзуни ёритишнинг таҳлилий даражаси;
— Баён қилиш тилининг таъсирчанлиги, равонлиги ва тушунарлилиги;
— Журналистик этика тамойилларига риоя этилганлиги.

Материаллар қуйидаги манзилга тақдим этилади:
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Қатортол кўчаси 21-уй.
Маълумот учун телефонлар:
(+998 71) 273-29-91,
(+998 71) 241-01-73.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар тиббиёт коллежи томонидан 2007 йили Салимова Хосият Шухратовна номига берилган № 057582 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 22 октябрь 2002 йилдаги 787-сонли баённомага асосан рўйхатга олинган ва 2004 йил 5 майдаги 973-сонли баённомага асосан қайта рўйхатга олинган "IPEK TEKSTIL" МЧЖ шаклидаги Туркия чет эл корхонаси Устав фондини 150 000 АҚШ долларидан 75 750 АҚШ долларига камайтирганлигини маълум қилади. Даъволар 382-67-57 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Технофайз-сервис" (ОКПО бўйича код 19881977, ИНН 205383869) хусусий фирмаси ўзининг Устав жамғармасини 38 000 000 сўмдан 30 400 000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади. Маълумот учун тел.: 269-49-09.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 03.06.2006 йили якка тартибдаги тадбиркор Султанханов Ашрафхон Каримханович номига берилган 1101223 реестр рақамли, 11-00592 рақамли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянная круглая печать, выданный на частного предпринимателя "Ильхамова Мурода Махмудовича", считать недействительным.

Утерянная круглая печать, выданный разрешительным отделом Чиланзарского РОВД на имя частного предпринимателя Рахматова Жалолиддина Захидовича, зарегистрированного отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г.Ташкент, считать недействительным.

Утерянная круглая печать фермерского хозяйства "ZIYODA-ZIYO" (ИНН 205477434), чековая книжка, техпаспорт на трактор "МТЗ-80Х", "МТЗ-80", считать недействительным.

Утерянная круглая печать, чековая книжка фермерского хозяйства "MARKA AGROSERVIS" miqobil mashina traktor parki (ИНН 300090712), считать недействительным.

ЗАО "SOHIL-M" (код по ОКПО 15748715) Юнусабадского района г.Ташкента извещает об преобразовании в ООО, согласно решения общего собрания акционеров от 09.01.2009 г. Претензии принимаются по тел.: 234-56-57.

Утерянная лицензия фирмы СП "COTTON ROAD", выданный Мин. Труда от 20.03.2008 г. № 006291, считать недействительным.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси жамоаси бошқарув раиси Фарҳод Омоновга волидаи муҳтарамаси **ШАРОФАТ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Руломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИКУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Агитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
① -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: М.ЮСУПОВ
Мусаҳҳих: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.20
20017 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
2345678